

# O'ZBEKISTON

# OYOZI

IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

Shu aziz Vatan — barchamizniki



• 2005-YIL • 27-YANVAR • PAYSHANBA • 11 (27.346) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



Суратда: икки палатали парламентнинг илк мажлислари қатнашчилари рўйхатга олинаётган пайт. Дилшод ЮСУПОВ (ЎЗА) олган сурат.

## БАТАФСИЛ ЎҚИБ-ЎРГАНИЛМОҚДА

«Доимий равишда фаолият юритадиган профессионал парламентнинг шакллантирилиши шунчун кўрсатадики, давлатни ислох қилишда биз етилиб келаётган ва давр илгари сураётган ўзгаришлар жараёнининг қонунчилик асосига принципиал аҳамият берамиз. Таъбир жоиз бўлса, ҳозирги кунда мамлакатимизда парламент тимсолида шундай бир восита яратилмоқдаки, биз унинг ёрдамида халқ ҳокимиятини, фуқаролик жамияти асосларини сезиларли даражада мустақамлаи олишимизга ишончим комил. Бу жараёнларнинг пировад натижаси демократик давлатни барпо этишдан иборатдир».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Независимая газета» (Россия) мухбири билан суҳбатдан келтирилган ушбу фикрлар мамлакатимизда илк бор шакллантирилган икки палатали парламент ўзининг дастлабки мажлисларини ўтказиб ўтган шу кунларда, айниқса, долзарб аҳамият касб этмоқда.

Президентимизнинг қайд этишича, янги парламент олдида турган энг долзарб вазифа — ислохотларни янада жадаллаштиришга хизмат қиладиган мукамал қонунларни яра-

тишдир. Бу мавзуд муаммоларни ўз вақтида хал қилишда муҳим омил бўлади.

Ислам Каримовнинг «Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди» сарлавхали суҳбатида кўтарилган масалалар турли ташкилот ва корхоналарда, илмий муассаса ва ўқув даргоҳларида, маҳалларда батафсил ўқиб-ўрганиляпти.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ҳам мамлакатимиз раҳбарининг маъруз суҳбатида билдирилган фикрларни ўрганишга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Университет профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбарининг мулоқотида мамлакатимизда мустақиллик йилларида давлат ва жамият қурилиши соҳасида, суд-ҳуқуқ тизимида, иқтисодиёт тармоқларида, таълим ва маънавиятни янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти теран очиб берилгани таъкидланди.

Ийгилиш иштирокчилари давлатимиз раҳбарининг суҳбатида баён этилган фикрлар барча соҳа ходимлари фаолиятида муҳим дастуриламал бўлишини алоҳида таъкидладилар.

(ЎЗА)

## ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

ТОШКЕНТ (ЎЗА мухбири Нодирбек ЎЛЖАБОВЕВ). Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Самарқанд — Ғузур — Термиз автомобиль йўлини сақлаш ва таъмирлаш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида зарур техникавий воситалар ва асбоб-ускуналарни етаказиб бериш бўйича Ўзбекистон ва Япония ҳукуматлари ўртасида алмасув ноталари имзоланди.

Япониянинг «Тараққиёт учун расмий ёрдам» (ODA) дастури доирасида кўрсатилган мазкур бегараз ёрдамнинг умумий қиймати 976 миллион япон иенасига тенг. Бугунги кунгача Кунқиқар мамлакат томонидан Ўзбекистонга турли лойиҳалар бўйича ажратилган маблағнинг умумий миқдори эса салкам 1,9 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Ҳужжати Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раиси Элёр Ғаниев ҳамда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Юичи Кусумото имзоланди.

Бугун мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тарихий кун. Тошкентда илк бор икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлайди. Барча депутатлар ва Сенат аъзоларига муваффақиятлар тилаймиз!

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING BIRINCHI MAJLISI OCHILISHI TUG'RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси 27 январь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биносида очилди.

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI QONUNCHILIK PALATASINING DEPUTATLARI DIQQATIGA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисига келган Қонунчилик палатаси депутатлари 27 январь куни соат 8.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI SENATINING BIRINCHI MAJLISI OCHILISHI TUG'RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси 27 январь куни соат 15.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биносида очилди.

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISINING SENATI AZOHLARI DIQQATIGA

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлисига келган Сенат аъзолари 27 январь куни соат 13.00 дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносида рўйхатга олинади.

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссияси

## ХДП ФРАКЦИЯСИ ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатимизда 2004 йил 26 декабрда бўлиб ўтган ялпи сайловлар ва 2005 йил 9 январда ўтказилган тақририй овоз беришда фаол иштирок этди. Унинг 28 вакили республикамиз янги парламенти Қуйи палатасининг депутати этиб сайланди. 2005 йил 26 январь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик

палатасига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатларнинг дастлабки йиғилиши бўлиб ўтди. Ийгилишда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 23 ва 24-моддаларига

мувофиқ, мамлакат парламентининг Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракциясини тузишга қарор қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутати, Ўзбекистон Халқ демократик партиясини Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов фракция раиси этиб сайланди.

## GERMANIYA ELCHISI TASHRIFI

25 январь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ханс-Йоахим Кидерлен таширф буюрди. Элчини қабул қилган ХДП МК биринчи котиби Аслиддин Рустамов ва меҳмон ўртасида самимий суҳбат бўлиб ўтди. Жаноб элчи юрти-мизда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижалари ва унда ХДПнинг иштироки билан қизиқди. ХДП раҳбари Ўзбекистон

сиёсий майдонда ХДПнинг ўрни, партия IV қурултойи ва унинг энг муҳим қарорлари, шунингдек, ялпи сайловларда иштироки ҳақида тўхталиб ўтди, унинг барча саволларига атрофлича жавоб қайтарди. Шунингдек, суҳбат давомида мамлакатимиз ва халқларимизнинг қўл қиррали муносабатлари ҳамда ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболлари тўғрисида ҳам фикр юритилди.

Ўзбекистон ХДП МК  
матбуот хизмати

## МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТ — МИЛЛАТ ФАХРИ, ҒУРУРИ



Эртага Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВ Фармони (2000 йил 28 январь) билан Тошкент давлат университетида «Ўзбекистон Миллий университети» мақоми берилганига беш йил тўлади.

2-БЕТ

**ХАЛҚ БАНКИ —**  
**СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ**  
XalqBank  
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR  
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
MULKDORGA HANKORI  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz  
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

**ALOQABANK —**  
**aniq, tez, ishonchli!**  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04  
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz  
Хизматлар лицензияланган

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот марказида 4 ой аввал бошланган сайлов кампанияси якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси сайлов жараёнида қонун бузилиши ҳолатлари деярли кузатилмаганини, Сенат аъзолари сайлов ва бошқа масалалар ҳақида батафсил гапириб берди.

Савол: — Сенаторлар орасида ҳокимларнинг кўпчилиги қандай изоҳлайсиз?

Жавоб: — Қонунда Сенат — ҳудудий вакиллик палатаси, деб кўрсатилган. Демак, мамлакатимизнинг ҳар бир минтақаси (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан) Сенатда вакиллар бўлиши керак.

Савол: — Сенаторнинг қандай ёрдамчилари бўлади?

Жавоб: — Бу масалалар Сенатнинг биринчи — ташкилий йўналишида кўриб чиқилади.

Савол: — Сенатда доимий ишлайдиган сенаторлар ҳам бўладими?

Жавоб: — Бўлади. Қонунчиликка мувофиқ, Сенатнинг тўртдан бир қисмига аъзоси доимий асосда ишлаши мумкин.

Савол: — Сайловлар тугаб бўлгандан сўнг Марказий сайлов комиссиясининг тақдирини қандай кўриб чиқилди?

Жавоб: — МСК доимий ишлайдиган орган. Лекин жойлардаги участка, округ сайлов комиссиялари аъзолари ўз ишларини тугатиб, яна аввалги маъмулоти билан шуғулланадилар.

Савол: — Сайловлар жараёнида депутатликка номзодларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишлари учун ажратилган маблағлардан нотўғри фойдаланган ҳолатлар учрадимми?

Жавоб: — Бундай факт кузатилмади. Чунки бу пуллар молия вазири ўринбосарларнинг назорати остида фақат пул кўчириш йўли билан ишлатилди.

Савол: — Ҳокимлар сенатор этиб сайландилар. Уларнинг фаолиятида қонун бузилишлар бўлиб, раҳбарликдан четлатилган бўлса, уларнинг даштисизлик масалалари қандай белгиланади?

Жавоб: — Қилган хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги даражасига қараб белгиланади. Жавобгарликнинг 4 та белгиси бор: 1. Интизомий, 2. Маъмурий, 3. Моддий, 4. Жиноий жавобгарлик.

«Ўзбекистон овози» мухбири Бехзод ШУКУРОВ ёзиб олди.



Истиқлол туфайли миллат маънавияти ва маърифати юксалди, боқинчилар томонидан аёвсиз топталган улуг тарихий ҳақиқатлар тикланди.

лаб чиқилди. Унга кўра, университетда таълим тизими уч босқич — қуйи, ўрта ва олий шаклда ташкил этилиши мўлжалланди.

1918 йил 12 май. Саъй-ҳаракатлар бесамар кетмади. Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида замонавий Миллий доирлфунун иш бошлади ва та-

рилиши эса салкам бир асрлик армонларни ушатириди. Улуг бобларимизнинг улкан оруз ва ниятлари рўйга чиқди.

МИЛЛИЙЛИК МАҚОМИДА

Бугунги кунда университетда 15 факультет, тиллар маркази, 129 кафедра, 2 академик лицей, 2 илмий-текшириш институти лабораториялари фаолият кўрсатмоқда.

ИСТИҚЛОЛ, ИМКОНИЯТ, ИСТИҚБОЛ

ИЗЛАНИШ ВА ЮТУҚЛАР

Хар бир талаба албатта илм-фанни чуқурроқ ўрганиши учун ўқув адабиётлари, дарслиқлар, қўлланмалардан фойдаланади.

ИФТИХОР

Ўзбекистон Миллий университети Озод Шарафиддин, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби Ўзбекистон Қўрама қўрама чемпиони Рустам Қосимжоновни ва яна минглаб ижодкорларини, илм ахлини етиштириб берди.

ОЛИМЖОН ЭШМАТОВ, АҚШ КОРНЕЛЛ УНИВЕРСИТЕТИ ДОКТОРАНТИ

— Мана иккинчи йилки Америкадаман, машҳур олимлар билан учрашаман, илмий тадқиқот ишлари олиб бораёман. Лекин мени бир қувонч, бир фахр туйғуси ҳеч қачон тарк этгани йўқ.

САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИННИ ОҚЛАЙЛИК

Парламентнинг Қонунчилик палатасига 2004 йилнинг 26 декабрида бўлиб ўтган сайловлар, шу йил 9 январда ўтказилган такрорий овоз бериш жараёнида ҳалқимизнинг фаолигини, сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслигини намойён этди.



таклифларини ҳалққа тақдим этдилар. Хусусан, ўзини мамлакатимиз сиёсий, қўчаларнинг сўл қаноти деб эълон қилган Ўзбекистон Ҳалқ демократик партияси мазкур сайловлар олдида бозор иқтисодиёти шароитида

аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Сайловолди Платформасида амалга ошириши мумкин бўлган қатор таклифлар билан чиқди.

Эрдош АҲАДОВ, ЎЗХДП аъзоси, Пайариқ туман юридик маслаҳатхонаси мудири, ҳалқ депутатлари туман Кенгаши депутати

НАВБАҲОРДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Сихат-саломатлик йили Навбахор туманининг «Арабсарой» қишлоқ фуқаролар йиғини ёшларига катта қувонч олиб келди.

лим олиб, касб-хунар эгаллайдиган бўлишиди. Мазкур мухташам билим максадини қуришига давлат томонидан 1,9 миллиард сўм маблағ ажратилди.

1918 йил 9 апрель. Тошкент жадидалирининг йўлбошчиси, миллат фидойиси Мунавварқори Абдурашидхоннинг Шайхонтоҳурдаги ҳовлисида 9 кишилик ташкилий хайъат иш бошлади.

КАФОЛАТИ — ЯРАТИШ

Чирочиқ туманидаги «Бешчашма» хўжалигида чеварлар озмунча эмас. Аммо кўли қисқа одамнинг иши ўнглашиб кетармас экан.

Орадан йиллар ўтди. Қашқадарё вилоят «Тадбиркор аёл» уюшмаси орқали кўплаб тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантириш имконига эга бўлишиди.

Хозиргача вилоятда берилган микрокредит суммалари 1 миллиард 850 миң сўмдан ошиб кетди. Бу тадбиркорларнинг савдо-сотик, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, кичик ишлаб чиқариш соҳаларида фаол меҳнат қилишларига кумак бермоқда.

«ЎзОТАЙЎЛ»

ХИЗМАТГА ТАЛАБ ОРТМОҚДА

Сихат-саломатлик йили Фарғона вилоят «Автотехизмат» корхонаси шаҳар ахли ва меҳмонлар учун ўзига хос хизматларини тақдир этди.

Расул КАМОЛ, «Туркистон-пресс»

Журналнинг янги Сони

«МУЛОҚОТ» — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Республикаси миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журналы «Мулоқот»нинг 2005 йил — Сихат-саломатлик йилидаги илк сони бомадан чиқди.

«МУЛОҚОТ» — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Хозиргача вилоятда берилган микрокредит суммалари 1 миллиард 850 миң сўмдан ошиб кетди. Бу тадбиркорларнинг савдо-сотик, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, кичик ишлаб чиқариш соҳаларида фаол меҳнат қилишларига кумак бермоқда.

«МУЛОҚОТ» — ҲАЁТИМИЗ КЎЗГУСИ

Шунингдек, муштарийлар маънавий меросимиз ва ватанпарварлик мавзуларидаги Тошкент молия институти профессори Мусокул Усмоновнинг «Полик каромати», Тошкент давлат иқтисодиёт университети доценти Турсунбой Султоновнинг «Инсон онгини ёритувчи нур» Андижон иқтисодиёт ва муҳандислик институти доценти Одилжон Тоҳировнинг «Ватан саждагоҳ каби

Рашид РАҲУВОВ



